



**“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Тошкент ш.
2022 йил 29 апрель**

Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун киритилган номзодлар (*Кандидаты для избрания в состав Ревизионной комиссии, выдвинутые Министерством финансов РУ*):

№	Номзод Ф.И.Ш.	Номзоднинг иш жойи, лавозими
1	Нуритдинова Наима Низомиддин кизи	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи ўринбосари
2	Дарвишев Нурбек Муратович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи
3	Пулатов Алимирзо Хайдарович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бош мутахассиси

Банк уставига мувофиқ Тафтиш комиссияси аъзолари 3 киши бўлиши лозим. Қонунчиликка асосан, кун тартибининг биринчи масаласи бўйича оддий овоз берилиши эслатиб ўтилади.

Ключевые показатели эффективности (КПИ) Ипотека-банка на 2022 год

Ключевые показатели эффективности	Фактическое значение за 2021 год	КПИ Минфин на 2022 год	Балл	Вес	Расчетный индекс
Финансовая устойчивость (макс. балл - 300; макс. вес - 20%)					
Адекватность капитала	14,4%	>14,6%	40	1,0%	0,8%
NPL в кредитном портфеле	3,3%	<2,8%	30	7,0%	4,2%
Норма чистого стабильного финансирования	112,6%	>108,0%	50	1,0%	1,0%
Забалансовые кредиты/кредитный портфель	1,9%	<1,8%	40	2,0%	1,6%
Реструктурированные кредиты/кредитный портфель	9,3%	<5,0%	20	4,0%	1,6%
Кредиты/депозиты	178,3%	<280,0%	50	5,0%	5,0%
Всего по блоку			230	20,0%	14,2%

Финансовая результативность (макс. балл - 200; вес - 15%)					
Рентабельность активов (ROA)*	2,6%	>3,0%	30	4,0%	2,4%
Рентабельность капитала (ROE)*	14,8%	>15,0%	40	5,0%	4,0%
Чистая процентная маржа	5,5%	>5,5%	40	3,0%	2,4%
Операционная эффективность (CIR)	26,7%	<35,0%	50	3,0%	3,0%
Всего по блоку			160	15,0%	11,8%

Клиентоориентированность (макс. балл - 150; вес - 10%)					
Прирост кол-ва клиентов-физических лиц	13,5%	>8,0%	50	6,0%	6,0%
Электронные очереди/кол-во филиалов	100,0%	>50,0%	50	3,0%	3,0%
"Одно окно"/кол-во филиалов	100,0%	>75,0%	50	1,0%	1,0%
Всего по блоку			150	10,0%	10,0%

Корпоративное управление (макс. балл - 150; вес - 15%)					
Выполнение бизнес-плана по прибыли	100,8%	>100,0%	50	10,0%	10,0%
Число очных заседаний комитета по аудиту	9	>4	50	3,0%	3,0%
Число очных заседаний комитета по рискам	9	>4	50	2,0%	2,0%
Всего по блоку			150	15,0%	15,0%

Трансформация (макс. балл - 200; вес - 40%)					
Внедрение модели стресс-тестирования операционных рисков	нет	да	0	8,0%	0,0%
Внедрение новой цифровой платформы	нет	да	0	8,0%	0,0%
Внедрение новой системы оплаты труда (грейдинг) сотрудников	нет	да	0	8,0%	0,0%
Подписание соглашения с МФК по изменению сроков (продлению) трансформации и конвертации кредитной линии МФК в акции банка	нет	да	0	16,0%	0,0%
Всего по блоку			0	40,0%	0,0%

Суммарный показатель КПИ (из 100%)					51,0%
---	--	--	--	--	--------------

* По методологии расчета ЦБ РУз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сонли қарори ижро этилишининг бориши.

Мазкур қарорнинг 10-бандида Молия вазирлиги давлат иштирокидаги корхоналар раҳбарлари, Давлат активларини бошқариш Агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорнинг 1, 2, 4-иловаларидаги давлат иштирокидаги корхоналар активларининг давлат органларига ўтказилишини таъминлашлари лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, қарорнинг 4-илоvasида устав капиталида давлат улуши мавжуд корхоналарнинг давлат бошқаруви органларига ўтказиладиган активлари рўйхати келтирилган бўлиб, унда “Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖдаги “Ипотека-банк” АТИБнинг 6 фоиз улушини, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” МЧЖдаги “Ипотека-банк” АТИБнинг 9 фоиз улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилиши ва банк устав капиталидаги давлат улуши топширилган активларнинг қолдиқ (баланс) қийматига камайтирилиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида, банк Бошқарувининг 2022 йил 28 мартдаги 76-сонли йиғилиш баёни ҳамда Кузатув кенгашининг 2022 йил 31 мартдаги 9-сонли мажлис баёни расмийлаштирилган. Айни вақтда, қабул қилинган қарорлар асосида, “Ипотека-банк” АТИБ ва Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида кўрсатиб ўтилган активларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилиб, активлар баланс қийматида Агентликка ўтказиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида Агентликка ўтказиб берилган активлар баланс қийматига банк устав капиталидаги давлат (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги) улуши камайтирилиши лозим ва шу сабабдан бу масала бугунги банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилган.

4-масала

“Ипотека-банк” АТИБ устав капиталини камайтиришни тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сонли қарорига асосан, жорий йил 31 март куни “Ипотека-банк” АТИБнинг “Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖдаги 6 фоиз (2’529’682’996,82 сўмлик) улуши ва “Ўзшаҳар қурилиш инвест” МЧЖдаги 9 фоиз (90’000’000 сўмлик) улуши Давлат активларини бошқариш агентлигига топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш орқали ўтказиб берилган ва банк устав капиталдаги давлат (Молия вазирлиги) улуши топширилган активларнинг қолдиқ (баланс) қийматига камайтирилиши лозим.

Бунда, Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиб берилган активларнинг баланс қиймати 2’619’682’996,82 сўмни ташкил қилган. Амалдаги қонунчилик талабларига асосан, банк акцияларининг номинал қиймати бир хил қийматга эга бўлиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, қарор ижросини қонунчилик талаблари асосида таъминлаш учун банк устав капиталдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги улуши 2’619’682’997 сўмга камайтирилиб, Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган активларнинг умумий қиймати орасидаги 18 тийин фарқ Молия вазирлигига банк томонидан тўлаб берилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, банкнинг устав капиталини Молия вазирлиги акциялари сонини қисқартириш ва уларни бекор қилиш йўли билан камайтириш таклифи киритилмоқда.

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида белгиланадиган банк устав капиталини камайтириш тартиби илова қилинади.

Мазкур масала бўйича ўз фикрингизни билдиришингиз сўралади.

“Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартиш киритиш ва киритиладиган ўзгартиш матнини тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, банк устав капиталидаги Молия вазирлиги улушини қисқартириш ва уни бекор қилиш орқали банк устав капитали камайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, банк уставига киритиладиган ўзгартиш матни тайёрланган ва акциядорлар умумий йиғилиши материалларига киритилган.

“Ипотека-банк” АТИБ уставига киритиладиган ўзгартиш матни

№	Эски тахрирда	Янги тахрирда
1.	<p>5.1-банднинг тахрири:</p> <p>5.1. Банкнинг устав капитали 2’992’204’021’938,00 (икки триллион тўққиз юз тўқсон икки миллиард икки юз тўрт миллион йигирма бир минг тўққиз юз ўттиз саккиз) сўмни ташкил этиб, у 2’992’204’021’938,00 (икки триллион тўққиз юз тўқсон икки миллиард икки юз тўрт миллион йигирма бир минг тўққиз юз ўттиз саккиз) дона акцияга қуйидагича бўлинган:</p> <p>хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 2’984’152’021’938 (икки триллион тўққиз юз саксон тўрт миллиард бир юз эллик икки миллион йигирма бир минг тўққиз юз ўттиз саккиз) дона;</p> <p>хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 8’052’000’000 (саккиз миллиард эллик икки миллион) дона.</p>	<p>5.1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:</p> <p>5.1. Банкнинг устав капитали 2’989’584’338’941,00 (икки триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) сўмни ташкил этиб, у 2’989’584’338’941 (икки триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) дона акцияга қуйидагича бўлинган:</p> <p>хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 2’981’532’338’941 (икки триллион тўққиз юз саксон бир миллиард беш юз ўттиз икки миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) дона;</p> <p>хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 8’052’000’000 (саккиз миллиард эллик икки миллион) дона.</p>

6-масала

“Ипотека-банк” АТИБнинг аввал рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорларига ўзгартишлар киритиш ва киритиладиган ўзгартишлар матнини тасдиқлаш ваколатини банк Кузатув кенгашига бериш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”нинг 86-бандига асосан, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар эмитент бошқарув органининг қарорига кўра киритилиши белгиланган.

Банкнинг деярли барча акция чиқарилишлари Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилганлигини ҳисобга олиб, “Ипотека-банк” АТИБнинг аввал рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорларига ўзгартишлар киритиш ва киритиладиган ўзгартишлар матнини тасдиқлаш ваколатини банк Кузатув кенгашига бериш сўралмоқда.